O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 2000 йил, 6 октябрь ✡ Жума кунлари чиқади № 36 (271) ✡ Сотувда эркин нархда

● Олимпия майдонларидаги мусобақалар қандай қизғин курашлар остида ўтгани, ҳар бир иштирокчидан жуда катта куч-қувват, ирода ва интилиш, бутун борлиғини бағишлашни талаб этгани кўпчиликка аён.

Барчамиз мана шундай кескин рақобат шароитида ғалабага эришиш, муносиб ўрин эгаллаш нақадар оғир ва машаққатли кечганининг гувоҳи бўлдик. Бугун шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳукумати номидан, мустақил мамлакатимиз халқи номидан Олимпия ўйинларида қатнашганингиз, гарчи, айримларингизга омад кулиб боқмаган бўлсада, бутун куч-ғайрат ва қатъият билан курашганингиз, Ўзбекистон обрўсини юксалтиришга ҳисса қўшганингиз учун барчангизга ташаккур билдиришдан бахтиёрман.

Ислом КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

Ушбу суратда андижонлик паҳлавон боксчилар Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Ўткир Ҳайдаровлар ҳаётидаги унутилмас лаҳзалар муҳрланган. Ўз халқи, Ватани учун кўксида чексиз ғурур жўш урган икки донгдор спортчини миллат ифтихори— Президентимиз самимий қутламоқда. Юртбоши ардоғида улғайган жасур йигитларимиз Ўзбекистон номини юксакликка кўтариш учун бутун куч ва истеъдодларини аямай сарфлашяпти. Сиднейда олимпия чўққисини забт этган Муҳаммадқодирнинг кечаги зафари фикримиз исботидир.

Сиднейда бўлиб ўтган XXVII Олимпия ўйинларини бутун дунё зўр қизиқиш билан кузатиб борди. Қарийб 200 давлат вакиллари қатнашган бу улкан спорт анжуманида ҳам ҳар бир спортчининг фикри-хаёли фақат ғалаба қозониш орзу-умидлари билан банд эди. Бироқ миллионлар орасида биринчи бўлишнинг ўзи бўладими? Ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ана шундай шарафли унвонни қўлга киритди. У Сиднейда бокс бўйича Олимпия чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Чемпионни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов табриклади. Президент Муҳаммадқодир Абдуллаевни бутун ўзбек халқи, спортчиларимизнинг ғалабасига сидқидилдан ишонган барча ватандошларимиз билан биргаликда Олимпия ўйинларида қўлга киритган улкан ғалабаси билан самимий қутлади.

Бугун муборак ўзбек заминига қайтиб келган олимпиадачилар сафида музаффар спортчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев «Ватан топшириғи бажарилди», дея ўз халқига, Президентига ҳисоб берди. Мамлакат байроғини баланд кўтарган, юртимиз мадҳиясини жаранглатган фарзандларинг давраси кенгаяверсин, она Ўзбекистоним!

* * *

Тошкент халқаро аэропорти. Соат 13.40. Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган XXVII Олимпиада ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спортчилари тушган самолёт оҳиста келиб қўнди.

Спортчиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, ёрбиродарлари, жамоатчилик вакиллари, ёш спортчилар, ишқибозлар уларни кутиб олиш учун шайланиб туришибди. Кутиб олувчиларнинг қўлларида: «Олимпиада ғолибларига шон-шарафлар бўлсин!», «Баракалла Муҳаммадқодир!» каби юртдошларимизни шарафловчи кўплаб шиорларни учратиш мумкин.

Карнай-сурнай садолари юракларни тўлдириб жаранглайди. Ҳамманинг юзида қувонч, эришилган улкан ғалабалардан мамнунлик. Самолёт аста кутиб олувчилар яқинига келиб тўхтайди. Пиллапоялардан аста делегациямиз вакиллари, спорт ўйинлари иштирокчилари, ғолиблари тушиб келадилар.



Улардан дастлаб журналистлар интервью олишга вожлантиришга катта имкониятлар очилди. Спортчиларимиз дунёдаги барча мамлакатлар вакиллари билан эркин баҳс юритиш шарафига муяссар бўлдилар, – дейди Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва Спорт қўмитаси раиси Баҳодир Мақситов. – Сиднейда Олимпиада ўйинлари юқори савияда ташкил этилишига шахсан гувоҳ бўлдик. Делегациямизни кўнгилдагидек кутиб олишди. Йигитларимиз ҳалол кураш олиб боришди. Шунга яраша совриндор ҳам бўлишди. Бундан жуда хурсандман.

Ҳа, Ўзбекистон спортчиларининг ютуғи ҳаммани руҳлантириб юборди. Уларнинг ғалабаси ҳамма ерда байрам қилинмоқда. Ўйлаймизки, ушбу шодиёналар янги-янги ғалабалар, рекордларга уланиб кетади.

* * *

Куни кеча Австралиянинг Сидней шаҳрида якунланган Олимпия ўйинлари Ўзбекистон спорти учун ўзига хос синов бўлди ва ундан мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли ўтди.

Олимпиада Ўзбекистон спорти юксак марралар сари дадил одимлаётганини яна бир бор намойиш этди. Мусобақаларда юртимиз спортчилари биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медални қўлга киритди. Ўн икки вакилимиз эса кучли олтиликдан жой олди. Олимпиада боксчиларимиз эришган ютуқлар, айниқса, мақтовга лойиқ. Ўзбекистонлик «чарм қўлқоп» усталари ўз чиқишлари якунларига кўра, 199 давлатнинг бокс жамоалари орасида тўртинчи ўринни эгаллади.

Ўтган икки ҳафта Сидней Олимпиадасида қатнашган делегациямиз аъзолари учун унутилмас давр бўлиб қолиши аниқ. Бу даврнинг ўзига хос якуни эса 4 октябрь бўлди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида олимпиадачиларимизни қабул қилди...

Олимпиада бошланиши арафасида Президентимизнинг мазкур мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган спортчиларни алоҳида рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон асосида қабул қилган қарорига биноан, Олимпиаданинг олтин медали совриндори М. Абдуллаевга 100 минг, кумуш медал соҳиби А. Таймазовга 50 минг, бронза медалларини қўлга киритган С. Михайлов ва Р. Саидовга 25 минг АҚШ долларидан пул мукофотлари бир ҳафта ичида бериладиган бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ IV ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг IV Пленуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов бошқарди. Пленумда партия Сиёсий Кенгашининг аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари иштирок этдилар.

Пленум кун тартибидан урин олган «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нутқи ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 128-Гулистон ва 174-Бешариқ сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан номзодлар кўрсатиш тўғрисида»ги масалаларни пленум қатнашчилари қизғин муҳокама этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпулат Даминов сўзга чиқди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ 128-Гулистон (Сирдарё вилояти) ва 174-Бешариқ (Фарғона вилояти) сайлов округларига партиянинг номзодларини тавсия этиш масалалари кўриб чиқилди. Фарғона вилояти партия Кенгашининг ташкилий бўлими мудири Турсунбой Машарипов вилоят партия Кенгашининг қарорига мувофиқ 174-Бешариқ сайлов округидан Бешариқ тумани ветеринария бўлимида бош врач бўлиб ишлаётган Ғофуржон Шерматовнинг номзоди тавсия этилаётганлигини маълум қилди. Шундан сўнг сўзга чиққан партия Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов номзодни қўллаб-қувватлаб пленум иштирокчиларини унга овоз беришга чақирди. Номзод тўла қўллаб-қувватланди.

Сирдарё вилояти партия Кенгашининг иккинчи котиби Баҳодир Турсунқулов вилоят партия Кенгашининг қарори билан йиғилганларни таништириб партия ташкилоти томонидан 128-Гулистон сайлов округига Гулистон шаҳар соғломлаштириш марказида раҳбар бўлиб ишлаб келаётган Татьяна Рюхина номзоди кўрсатилаётганлигини маълум қилди. Номзод ҳақида партия Сиёсий Кенгашининг ташкилий бўлими мудири Абдулла Ортиқов, Сиёсий Кенгаш аъзоси Раъно Алиматовалар гапириб, номзодни қўллаб-қувватлашга чақирдилар. Кўпчилик овоз билан Татьяна Рюхина партия Сиёсий Кенгаши томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилишига муносиб деб топилди.

Шундан сўнг Пленум қатнашчилари кун тартибидаги асосий масалани кўриб чиқдилар. «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нутқи ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров маъруза қилди. Маърузачи ўз сўзида теварак-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносиб баҳо бериб, олдимизда турган муҳим вазифалар хусусида тўхталди. Шундан сўнг маъруза юзасидан партия Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов, Қибрай тумани партия Кенгашининг котиби Нигора Соҳибжонова ва бошқалар сўзга чиқиб, огоҳлик даврининг талабига айланганлигини, бунинг учун ҳамма масъуллигини ўқтириб ўтди ва бу борада ҳар бир партия аъзоси, партия ташкилоти ва партия хайриҳоҳлари олдида турган муҳим вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Пленум бошқа ишга ўтганлиги сабабли Улуғбек Дониёров ва Пулат Шароповни Сиёсий Кенгаш аъзолигидан чиқарди ва Самарқанд вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Жўманиёз Алибековни Сиёсий Кенгаш аъзолигига сайлади. Партия Сиёсий Кенгашининг IV Пленумида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

АДОЛАТЛИ, УЛУҒ ИШ

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис III сессиясида сўзлаган нутқи ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мурожаатномаси тўғрисида» Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаровнинг партия Сиёсий Кенгашининг IV Пленумида сўзлаган маърузаси

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг III сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг нутқи ва шу сессияда қабул қилинган Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатлар парламентларига, жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилигига мурожатномаси ҳаммамизнг эътиборимизни ҳозирги кундаги энг долзарб масала — мустақиллигимизга, тинч осойишта ҳаётимизга, конституцион тузумимизга раҳна солмоқчи бўлган ёвуз террорчи қора кучларга зарба беришдек масалага қаратди.

Ватанимиз тоғли ҳудудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг босқинчилик ҳатти-ҳаракатлари бутун халқимиз қатори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси барча аъзолари ва хайриҳоҳларини қаттиқ ғазаблантирди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамасдан мамлакатимизни, халқимизни ўз истиқлол йўлидан оғдиришга уринаётган, қабиҳ ниятлари йўлида ўзига тобе қилиб олмоқчи бўлаётган кучлар турли ғаламисликларни уюштирмоқдалар. Ҳозирги кунда табаррук ислом динимизни ўзига ниқоб қилиб олган бир гуруҳ унсурлар истиқболимизга, тинч ва осуда ҳаётимизга таҳдид солиб, чет эл диний экстремистик кучларнинг малайлари бўлиб бизга ҳуруж қилмоқдалар. Аммо улар ўз ниятларига ҳеч қачон ета олмайдилар. Бизнинг мард ўғлонларимиз, шавқатли қуролли кучларимиз, тинчликсевар халқимиз бунга йўл қўймайдилар. Душманларимиз қилмишларига яраша жазоларини олмоқдалар ва бундан кейин ҳам оладилар.

Партиямиз ватандошларимизнинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Мустақиллик, Демократия ҳамда Тараққиёт ғояларини амалга оширишдаги фаоллигини кучайтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиққан. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва мамлакатимиз ҳукуматининг давлат чегараларини мустаҳкамлаш, Ватанимизни халқаро террорчи кучларнинг тажовузидан ҳимоя қилишни таъминлаш, бузғунчилик ҳаракатларининг олдини олиш, мамлакат аҳолисининг тинч бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти тўла қўллаб-қувватланган ва шунга мувофиқ иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аҳолининг ҳушёрлигини оширишни партиянинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаб, партия аъзоларини қуйидаги тадбирларни амалга оширишга чақиради:

— кишиларимизда теварак-атрофимизда бўлаётган воқеаларга онгли муносабатда бўлишни шакллантиришда фаол қатнашиб, халқаро терроризм, унинг ташкилотчилари ва раҳнамолари фаолиятининг жиноятқорона моҳиятини ҳар томонлама фош этиш;

— диний ақидапарастлик ва экстремизм ғояларининг сингдирилишига қарши курашиб, бу кучларнинг ёшлар онгини заҳарлаш, уларни тўғри йўлдан оғдиришга интилишларига йўл қўймаслик мақсадида жойларда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалий тадбирларни олиб бориш;

— аҳоли, айниқса, ёшларда жамият ҳаётида диннинг ўрни ва аҳамиятини тўғри тушуниш, табаррук ислом динимиз билан ёвуз мақсадни кўзловчи сиёсийлашган диний оқимлар орасидаги фарқни тушунтириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш;

— жойларда «Маҳалла посбонлари» ва «Чегара посбонлари» ижтимоий отрядларини тузиш ва фаолият кўрсатишига ёрдам бериш.

Ушбу ишларни амалга ошириш партиямиз вакилларидан жиддийликни, фаолликни, фидокорликни талаб этади. Шу сабабли ҳам барча бўғиндаги партия ташкилотларимиз, уларнинг етакчилари, фаолларимиз бу соҳадаги ишларга ниҳоятда жиддий эътибор бериб, барча имкониятларини ишга солишлари керак.

Сизга яхши маълум, партия Сиёсий Кенгаши 15 августда кўрилаётган масала юзасидан шу йил махсус баёнот билан чиқди. Бу баёнотни партиядошларимиз, хайриҳоҳларимиз, фуқаролар қўллаб-қувватламоқдалар.

Куни кеча Урганчда Хоразм вилоят партия ташкилоти фаолларининг йиғилиши, Самарқандда вилоят партия Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Ушбу мавзудаги йиғилишлар Андижон, Бухоро ва бир қатор бошқа вилоят партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Уларда партиямиз фаоллари фуқароларни ҳушёрликка даъват этмоқдалар, динимизни ниқоб қилиб олган экстремистик қора кучларнинг кирдикорларини фош этмоқдалар. Бу муҳим ишда партиядошларимиз фаол иштирок этишаяпти. Зеро, Ватанимиз душманларини даф қилиш, халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётини таъминлаш ҳар бир ватанпарвар — эл фарзанди учун адолатли, улуғ ишдир.

(Маъруза қисқартирилган ҳолда берилди).

Суратларда: Ўзбекистон «Адолат» СДП IV пленумидан лавҳалар.

Эркин БОТИРОВ олган суратлар.

Internet дуне: энг сўнгги янгиликлар

+ ТОКИО. Япония ҳукумати Шимолий Кореяга ёрдам бериш дастури доирасида бу мамлакатга 500 минг тонна гуруч етказиб беришга қарор қилди. Бу ҳақда Японияда ҳукмрон Либерал-демократик партия раиси Сидзука Камзи баёнот берди.

+ **АШХОБОД. Украина президенти Леонид Кучма Туркманистондан газ импорт қилиш шартларини келишиб олиш учун Ашхободга келди. Томонлар 2000 ва 2001 йиллар учун олди-сотди шартномаларини имзолаши режалаштирилган. Унга кўра, Туркманистон Украинага 2001 йилнинг охиригача 25 миллиард куб метр газ етказиб бериши керак.**

+ ДУБАЙ. Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ва Франция ҳарбий кемалари биргаликда ўқув машқларини бошлади. Яқинда ташкил этилган БАА ҳарбий флоти учун бу машқлар катта аҳамиятга эга. Франциянинг Ҳинд океани флоти қўмондони Эрве Жиронинг таъкидлашича, стратегик аҳамиятга эга бўлган Форс кўрфазидаги машқларда қатнашиш француз ҳарбийлари учун ҳам жуда муҳим.

+ **ДЕҲЛИ. Россия Президенти Владимир Путиннинг Ҳиндистонга ташрифи чоғида томонлар ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ҳиндистонга қурол-яроғ етказиб бериш ҳақидаги шартномаларга қўл қўйди. Бундан ташқари, Афғонистон муаммоси ечимининг умумий**

Москва шаҳрининг бир кўриниши.

йўналишини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди.

+ РИМ. Италия ва Франция «Горизонт» русумидаги тўрт кемани биргаликда ишлаб чиқаришга келишиб олди. Бу ҳақдаги шартномага Италия ва Франция мудофаа вазирлари имзо чекди. Шартномага мувофиқ, ишлаб чиқарилган кемаларнинг иккитасини Италия, иккитасини эса Франция олади.

+ **КАРАКАС. Венесуэла миллий божхона хизмати раиси Педро Родригес 43 минг АҚШ доллари миқдорида пора олганликда айбланиб, ҳибсга олинди. Полиция маълумотларига қараганда, П. Родригес ўзига хос «божхона мафияси» аъзоси бўлиб, кичик лавозимдаги ходимларга тушган поралардан улуш олиб турган.**

+ ИСЛОМОБОД. БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш комиссияси маълумотларига қараганда, бу йил Афғонистонда 82 минг гектар майдонга кўкнори экилган. Бундан, айниқса, Афғонистоннинг жанубий ҳудудларида кўп ҳосил олинган. Маълумотда айтилишича, бу йил жами 3276 тонна хомашё тўпланган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 28 фоиз кам. Бу йилги паст «ҳосилдорлик»ка эса Афғонистондаги кучли қурғоқчилик сабаб бўлган.

Юртбошимиз ташаббуси билан

АМИР ТЕМУР ДАРВОЗАСИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримов вилоятимиз сайловчилари билан учрашувда «Вилоятда буюк боболаримиз номи билан боғлиқ кўплаб қадамжолар бор. Бундай жойлардан бири «Темур дарвозаси» деб аталади. Бу жойларга расман «Соҳибқирон Амир Темур дарвозаси» деган ном бериб, олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйсак, бу ерда ёдгорлик ўрнатиб, уни қутлуғ зиёратгоҳ жойга айлантирсак» деган таклифни киритганди.

Ушбу таклиф кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олиниб, уни амалга ошириш бўйича дастлабки ишлар ҳам бошлаб юборилганди. Шу йилнинг 20 январида вилоят ҳокимининг «Соҳибқирон Амир Темур мажмуасини барпо этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарор бўйича белгиланган ишчи гуруҳи тузилиб, аъзолари рўйхати тасдиқланди.

Жамоатчи мухбиримиз бу борадаги ишларнинг бориши, ишчи гуруҳи аъзоларининг ҳаракати натижаларини шарҳлаб беришни Жиззах вилояти архитектура ва шаҳар қурилиши бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, вилоят меъморлар уюшмаси раиси Эргаш ҚЎЛДОШЕВдан илтимос қилди.

— Президентимизнинг қимматли таклифларидан келиб чиқиб, Амир Темур дарвозасида улкан мажмуа барпо этиш, у ерни қутлуғ зиёратгоҳ ва сайёҳлик масканига айлантириш бўйича дастлабки иш жараёнларини бошлаб юборганмиз. Ҳозир биринчи босқич бўйича эскиз лойиҳаларнинг варианти тайёр бўлган. Вилоятимизда ана шундай лойиҳалар бўйича очиқ танлов ўтказиш учун дастур лойиҳаларини тайёрлаб қўйдик. Аниқ муддати белгиланган, яқин кунлар ичида жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

— Назаримда танлов эълон қилиш муддати ниҳоятда чўзилиб кетаётгандай...

— Четдан қараганда шундай. Бироқ улкан мажмуа лойиҳалари ниҳоятда улкан иш бўлиб, кўп меҳнат ва вақт талаб қилади. Буни қисқа муддатда шошмашошарлик билан амалда ошириб бўлмайди. Республика аҳамиятига эга бўлган, Катта Ўзбек тракти ёқасида бунёд этиладиган ушбу мажмуани қуришда етти эмас, етмиш марта ўлчаб кесишга тўғри келади. Шу ўринда айтиш керакки, танловни нафақат вилоятимиз, балки бутун республикамиз миқёсида эълон қилиб, энг кўзга кўринган ҳайкалтарошлар, меъморларни жалб этсак яхши бўларди. Мақсадимиз энг яхши лойиҳаларни танлаб олиб, шулар асосида ҳамма ҳавас қилгудек маскан барпо этиш.

— Сизлар томондан таклиф этилаётган лойиҳаларда асосан нималар кўзда тутилган? Уни қисқача изоҳлаб берсангиз.

— Лойиҳа бўйича ишлар 3 босқичда амалга оширилади. Дастлабки босқичда Ғаллаорол тумани чегарасигача бўлган жойда Жиззах шаҳри билан боғлаб ободончилик ишлари олиб борилади. Иккинчи босқичда боғлар ташкил этиб, кўкаламзорлаштириш кўзда тутилган. Сўнги босқичда маданий-маиший иншоотлар барпо этилади. Ана шу 3 босқичга қисқача тўхталадиган бўлсак, мажмуа таркибида миллий халқ ҳунармандчилиги ва бошқа маҳаллий буюмлар билан савдо қилувчи дўконлар, машиий хизмат кўрсатиш шахобчалари, меҳмонхона ва дам олиш иншоотлари сайёҳлар дидига мос қилиб барпо этилади. Бундан ташқари, Темур дарвозаси тарихига доир экспонатлар асосида тарихий музей ташкил этилади. Яна бир катта иш — тоғнинг икки қоясини боғлаб турувчи осма кўприк қурилади. Тоғ атрофидаги яланг ликларда ҳам боғлар барпо этилади. Биз тарихчилар билан гаплашиб, бу жойга алоқадор яна кўплаб маълумотларни тўпладик ва уларни ўз лойиҳаларимизда акс эттиришга ҳаракат қилаяпмиз. Келажакда бу маскан вилоятдаги энг гўзал гўшага айланишига ишонамиз.

Суҳбатдош: Баҳодир НАЗАРОВ.

Шундай хизмат бор

«911: ҚУТҚАРИШГА ШОШИЛАМАН...»

Ҳаёт ҳар қадамда тасодифга тўла. Кимдир эҳтиётсизлик оқибатида ўзини ёки ўзгаларни қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Саноқли дақиқаларгина сизнинг жонингизга аро кириб туради. Шундай пайтда қаердан бўлмасин нажот келишини кутасиз, ишонасиз, бетоқат бўласиз.

«911 қутқарув хизмати» эса қалтис дамларда доимо ёрдамга шай. Юқоридаги телефон рақамини терганингиз ҳамоно мушкулларингиз осон бўлишига ишонаверинг.

Самарқандда шаҳар ҳокимининг қарорига биноан бир ой муқаддам «911 қутқарув хизмати» ташкил этилган эди. Шу қисқа вақт мобайнида гуруҳ аъзолари шаҳарликларга ўзларини дурустгина таништира олдилар.

Шаҳар ҳокимлигининг фавқулодда вазиятлари бўлими негизида тузилган мазкур хизмат гуруҳи табиий, техноген ва экологик тусдаги кутилмаган ҳолатларда қутқарув ишларини олиб боришга мўлжалланган. У алоҳида вазиятларда ички ишлар бошқармасининг навбатчилик қисми, ёнғинга қарши кураш, «Тез тиббий ёрдам» ва бошқа авария хизматлари билан боғланиб ҳамкорликда тез ишлай олади.

— «911 қутқарув хизмати» нега айнан шундай аталганига таажжубланманг, — дейди шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи, майор Олимжон Маъсумов. — Бундай хизмат Ғарбда, хусусан Америкада кенг тарқалганидан кўпчилик хабардор. Лекин биз хориждан андоза кўчириш учунгина ташкилотимизни шу тариқа номлаганимиз йўқ. Қутқарув хизматига ҳамиша ва ҳар қадамда зарурат бор. Унинг номланиши ғарбча бўлгани эса одамлар ортиқча рекламаларсиз тезроқ англаб олишлари учун.

Дарвоқе, бугун «911 қутқарув хизмати» таркибида 12 нафар энг малакали, жисмонан чиниққан ходимлар ишлашмоқда. Уларнинг деярли барчаси спорт устаси. Бундан ташқари врач, газэлектр пайвандловчи, сантехник, кинодлог ва ҳатто альпинистлар бор. Умуман қутқарув хизмати ходимига қўйиладиган талаб — у камида 3 та касбни мукаммал билиши керак. Унта бўлса янада яхши. Айтайлик ёнғин ёки зилзила пайти кўп қаватли уйлардан арқонда осилиб тушиш, пачоқланган автомобилда қисилиб қолган ҳайдовчини қутқариш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қутқарув хизмати эса бундай мушкулотларга доимо йўл топа олади.

У тезюрар машиналар, техник ускуналар, альпинист жиҳозлари, гидравлик ёстиқчалар ва ҳатто резина қайиқларгача таъминланган.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Қутқарувчиларнинг «Тез ёрдам» ёки ёнғинга қарши курашувчилардан қандай фарқи бор?

Гап шундаки, «911 хизмати» универсал, яъни ҳамма вазиятда ёрдамга шай. Бунинг устига ўта ҳозиржавоб. Уларда кечикиш деган гап йўқ. Ва, қолаверса айнан шундай хизматнинг борлиги инсон ҳаётига, хавфу хатарга нисбатан кафолатни кучайтиради, холос.

Демак, «911 қутқарув хизмати» Самарқадда иш юритаётган ва тобора оммалашиб бораётгани бежиз эмас. Узгаларни хавфдан халос этиш учун ўз ҳаётини таҳликага қўйиб, жасорат кўрсатадиган йигитларга эса тасанно дегингиз келади.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Фармон ва ижро

ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

— Кўзимизни яшнатиб, қалбимизда шундай ажойиб мамлакатга меҳру муҳаббат хисларимизни жўшираётган Ўзбекистон паспортини қўлга олар эканмиз, беихтиёр кўнглимиздан шундай ўйларнинг кечиши шубҳасиз. У бизнинг фахримиз, ғуримиз, миллий ифтихоримиздир, — дейди Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Ички ишлар бошқармаси паспорт бўлимининг ходими Раъно Алиева ким билан суҳбатлашмасин. Зеро, бу бор гап. Бу ишчан замондошимиз мана 20 йилдирки, шу соҳада сидқидилдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Биз у билан соҳа жонкуярларининг бири сифатида қилинаётган ишлар ва олдинда турган вазифалар хусусида суҳбатлашдик.

— Айни кунларда фуқароларни паспорт билан таъминлаш ишлари қандай амалга оширилаяпти?

— Собир Раҳимов тумани шаҳримиздаги энг йирик туманларнинг бири. Аҳоли жиҳатидан ҳам у олдинги ўринларда туради. Туманимиз аҳолисини янги Ўзбекистон Республикасининг паспорти билан таъминлашни муваффақиятли амалга ошириб келаяпмиз. Бу иш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида паспорт тизими қоидаларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги 230-, 1999 йил 29 январдаги 38-Ф сонли қарорларига мувофиқ амалга оширилмоқда. Шу муҳим ишларни Президентимиз Фармони ва ҳукуматимиз қарорларига асосан бажариш учун сидқидилдан ишлаяпмиз. Бу ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб бўлган ва туманимиз ҳудудида доимий рўйхатдан ўтказилган фуқароларга тантанали равишда паспортлари алмаштирилиб, топширилмоқда. Вояга етган фуқароларга эса туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларга асосланган ҳолда доимий рўйхатдан ўтказилган фуқароларга берилмоқда.

— Бу борада қандай муаммолар бор?

— Собир Раҳимов туманида яшовчи барча фуқароларга паспорт алмаштириб бериш даврида ҳеч қандай муаммо юзага келгани йўқ. Фақатгина кам таъминланган фуқароларга паспортларни бериш даврида паспортлар учун тўлов пуллари тўлаш пайтида бироз қийинчилик мавжуд бўлиб, бу масала туман ҳокимияти томонидан ёрдам тариқасида ажратилган маблағ эвазига ҳал этилмоқда.

— Паспорт қайтадан янгиланармиш, деган миш-мишларга нима дейсиз?

— Фуқаролар орасида юрган бу гаплар албатта ёлғон. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг миллий паспорти жаҳон стандартлари талаблари даражасига жавоб берадиган талаблар асосида жорий этилган бўлиб, янги паспортни қайта жорий этишга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Суҳбатдош: Турсунтош ЖАББОРОВА.

ТЕРИМЧИ ҚИЗ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ҳар кун тонгда ноз уйқудан уйғонади лобар қиз,
Дилда қайнар терим завқи, тўлғонади лобар қиз,
«Бисмилло» деб пахтазорга йўл олади лобар қиз,
Бисотингни «оқ олтин»-ла безайвергин қизгина!

Қаторлардан-қаторларга кўчиб ўтар йўллари,
Чаноқлардан чаноқларга учиб ўтар қўллари,
Тезроқ теринг, дея чорлар ҳам ўнги-ю сўллари,
Оқ денгизда оқ қуш мисол сузавергин қизгина!

Чайин йигит енг шимариб, баҳслашади қиз билан,
«Ортда қолманг» дейди қиз ҳам боққанида ноз билан,
Элга ҳадя чош хирмони, боқар ёруғ юз билан,
Босма-басда йигитлардан ўзавергин қизгина!

Истиқлоли – бахт иқболи кулиб боққан лобар қиз,
Қанча йигит унга шайдо, дилга ёқан лобар қиз,
Бир кун албат «Олтин Юлдуз» тақар чаққон лобар қиз,
Бисотингни «оқ олтин»-ла безайвергин қизгина!

Мамажон ХОЛИҚОВ.

Луқма

ТАДБИРКОР НИМАДАН БЕЗОР?

«Чироқнинг тез-тез ўчиб туриши жонимизга тегди. Бу ҳақда арз қилиб бормаган жойимиз қолмади. Аммо бирор ташкилот ҳам бизга ёрдам бераолмаяпти...»

Қамаши туманида фаолият кўрсатаётган «Очил бобо» хусусий фирмасига қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчасида бўлсангиз бу ерда ишловчиларнинг ҳасратидан чанг чиқади. Ахир битта «свет»нинг дастидан шунчалик арз қилиш уларга нега керак бўлиб қолди? Ҳамма гап шунда-да. Шаҳобча Шаҳрисабз – Қарши йўлининг Қамаши тумани чорраҳасида жойлашган. Унда бир ойда ўртача 10 миллион сўмлик ёнилғи сотилади. Афсуски, кейинги пайтда электр энергияси таъминотида тез-тез узилиш бўлиб турибди. Уни бир ёниб бир ўчиб қолиши оқибатида автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси мижозларидан айрилмоқда. Бензин қуйиш мақсадида бу ерда бўлувчилар электр қувватининг бўлмай қолганлигидан диллари ранжиб, бошқа шаҳобчага боришга мажбур бўлишмоқда. Сарсонгарчилик, оворагарчилик уларнинг жонига тегаяпти. Ўтган сентябрь ойи мобайнида электр энергияси ўчиб қолган дамлар ҳисобидан шаҳобча катта зарар кўрди. Бу ҳолни «тузалмас касаллик»ка айланаётганлигидан шаҳобча эгалари хавотирга тушишмоқда. Аҳвол шу тарзда давом этаверадиган бўлса улар аниқ «банкрот»га учрашлари мумкин.

– Сентябрь ойининг 15—22 кунлари бир неча бор электр энергияси бўлиб-бўлмай қолди, – дейди «Очил бобо» хусусий фирмасининг тақсимловчиси К. Қиличев. – Мутасаддиларга мурожаат қилиб, энергияни иқтисод қилиш мақсадида чеклаяпмиз, деган мужмал жавобни олдик. Мижозларимизни энергия бўлмай қолган пайтлардаги қимматли вақтлари беҳуда кетмоқда. Сарсон-саргардон бўлишяпти. Энди кимдан мадад кутайлик?!.

Ана тадбиркорга бўлган муносабат. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб «заправка»нинг узлуксиз ишлашига маҳаллий раҳбарлар эътибор беришмаса, ким эътибор беради? Ёки «чекланган» электр энергиясининг фойдаси бу ерда кўрсатилаётган хизматникидан баландроқми? Бунга вилоятдаги мутасадди раҳбар нима дейишаркин?

Ҳазрат ТИЛЛО,
«Адолат» мухбири.

Изтироб

ОМОНАТГА ХИЁНАТ

Ҳалоллик, меҳр-мурувватлилик инсон зийнати. Бундай одамларни тириклигида эл олқишлайди. Ёруғ оламдан кўз юмгандан кейин эса охирати обод бўлиб, боқий саодатига эришади.

Аммо дилозор фирибгарларчи? Улар умрлари давомида кўпчиликнинг қарғишига, тавқи-лаънатига учрайдилар. Ўлгандан кейин эса, бундай товламачи гумроҳларга дўзахнинг эшиги ланг очиқ. Аммо кўпчилик товламачи фирибгарлар бу оддий ҳақиқатни тушунмай, қабиҳ ишларини давом эттираверишади. Айрим ҳуқуқ посбонлари уларнинг пайини вақтида қирқишмаса, соддадил инсонларни чув тушириб, текин бойлик соясида тараллабедод қилиб юришаверадилар.

Олмалиқлик Ойниса Маразиқова ҳам ана шундай товламачи каззоблар сирасига киради. Бу ҳақда жабрланувчи Ҳуриниса Уришева шундай дейди:

– Бундан ўн йил илгари, яъни 1990 йилнинг баҳорида юрак хасталиги касалига йўлиқиб, шифокорларга мурожаат этдим. Қон босимим баландлиги туфайли мени касалхонага олиб кетишмоқчи бўлишди. Кетиш олдидан гувоҳлар – Муҳаррам опа Усмонова, Ҳалимахон Ҳайдарова, Азизова Мавжудалар иштирокида тилла зирак, тилла узук, 14 метр бахмал, 16,5 метр турли хилдаги газмол ҳамда 2 дона рўмолни қўшним ойниса опа Маразиқовага онам Турдиниса Ўрозбековага етказиб беришини илтимос қилиб, тайинлаб, унинг қўлига тутқаздим.

Лекин мен ҳалол инсон деб ўйлаган қўшним фирибгар бўлиб чиқди. Буюмларни онамга олиб бориб бермай ўзлаштириб юборибди. Сўрасам турли баҳоналар билан бермади. Шундан бери мен берган нарсаларни сўрашни, у эса алдаб, асабларимни бузишни қўймаяпти. Бу ҳақда участка нозири Бадаловга, маҳалла қўмитаси раиси, шаҳар судига мурожаат қилдим. Лекин арз-додимга ҳеч ким қулоқ солмади. Соғлиғим эса кундан кунга ёмонлашмоқда.

– Мен ушбу мақолани ёзиш жараёнида жабрланувчи, Олмалиқ шаҳар, М. Горький кўчаси 31-уйда яшовчи Ҳуринисо Уришева, фирибгарлик касбини ўзига касб қилиб олган Ойниса Маразиқова, гувоҳлар Муҳаррам Усмонова ва бошқалар билан суҳбатлашдим.

Фуқаро Муҳаррам Усмонова кўрган-билганлари ҳақида шундай дейди:

– «Мен Муҳаррамхон Усмонова 2-гуруҳ ногиронман. Сурхондарё вилояти, Денов туманида яшайман. Ёшим 60 да. Шу ёшга кириб Ойнисага ўхшаган ярамас фирибгар найрангбозни кўрмаганман. Ҳуриниса синглимизнинг Ойнисага берган нарсаларига гувоҳман. Ҳуринисага ачиниб кетаман. Мен у билан Ойнисанинг уйига беш маротаба бордим».

Биз жабрланувчи Ҳуринисо Уришева тўғрисида фуқаро Ҳайдарова Ҳалима ва бошқалардан ҳам тушинтириш хатини олдик. Гувоҳларнинг барчаси ҳам Уришева Ҳуринисонинг қўшниси Маразиқова Ойнисага юқорида номлари қайд этилган нарсаларни берганлигига гувоҳ бўлишмоқда.

Азиз муштарийлар! Сизда табиий савол туғилиши мумкин. Шу арзимаган нарсани ҳам газетага бериш шартми деб. Сизнинг саволингиз нечоғли тўғри ёки нотўғрилигини билмаймизу, аммо хат кетида инсон тақдири турганлиги аниқ...

Хулоса ўрнида шундай демоқчимиз. Жабрланувчи Ҳуринисо Уришева қачонгача берган нарсаларини ололмай сарсон бўлиб юради?!

Абдурафиқ МАҲКАМОВ,
журналист.

Банк тизими: ислоҳот ва самара

ҚЎЛЛАШИБ КЎТАРГАН ЮК ЕНГИЛ

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожланиб бормоқда. Янги корхоналар, фирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этилаяпти. Шу боис ҳам, банкларнинг вазифаси Ўзбекистон иқтисодиётига тадбиркорлар сармоясини жалб этиш ва ундан ғоят самарали фойдаланишдан иборатдир. Бу борада «Ўзтадбиркорбанк»нинг Қашқадарё вилоятидаги Чироқчи ва Қамаши тумани бўлимларида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаяпти.

Аввало шуни айтиш керакки, «Ўзтадбиркорбанк» тизимида ўтказилган рентабеллик рейтинг кўрсаткичлари натижасига кўра Чироқчи тумани бўлими май ойи ҳолати бўйича Республикада иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Албатта, бу яхши натижа. Хўш, уларнинг иш фаолиятлари, мижозларга банкда яратаётган қулайликлари қандай? Қолаверса, Президентимизнинг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси таъминланаяптими?

Банкимизда 15 нафар ходим фаолият кўрсатаяпти, — деди бўлим бошқарувчиси Иброҳим Хўжамбердиев. — Ҳозирги кунда 314 та деҳқон фермер хўжаликларига, 4 та қурилиш, 1 та саноат, 190 та савдо ва хусусий корхоналарга, 3 та маиший хизмат шаҳобчаларига, жами бўлиб 520 та тадбиркорга хизмат кўрсатамиз. Банкимизга иш билан келаётган мижозларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиб, тадбиркорларга суянчиқ бўляпмиз. Юртбошимиз Фармонларидан сўнг шу йил май ойигача 48 та тадбиркорга 82 миллион 712 минг сўм кредит берилди. Биз бор ҳаракатимизни қилиб, мижозларимизни кўпайтиришга, уларга намунали хизмат кўрсатишга эришаяпмиз.

— Дарҳақиқат, халқимиз «Қўллашиб кўтарган юк енгил», «Бирлик — хайру барака манбаи» дейди. Банк ходимларининг тадбиркор раҳбар Иброҳим Хўжамбердиев бошчилигида олиб бораётган ишлари элга манзур бўлаётир. Айниқса, улар хизмат кўрсатаётган мижозларнинг иши ўнгидан келмоқда. Тадбиркорлар банкдан олган кредитлари ҳисобига янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишаяпти. Биргина туман марказидаги «Соҳиб» фирмаси ишбилармонлари шу йил банкдан олган қарзлари эвазига томат пастаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Бундан ташқари, «Уста Нормуродхўжа» хусусий корхонаси, «Ғайрат» фермер хўжалиги сингари ўнлаб ишбилармонлар банк билан ҳамкорликда иш юритиб, эл-юрт корига ярашмоқда. Энг муҳими, бир неча юз кишининг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишларига йўл очилмоқда.

Айни кунларда банк томонидан мижозларга микрокредитлар беришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Шу мақсадда Фармондан сўнг 20 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, шунинг 19 миллион 500 минг сўми «Тадбиркорбанк» маблағи ҳисобидан тақсимланди.

Банк ходимлари жорий йилда ҳам кредит сиёсатини амалга ошира бориб, хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлашдан иборат ўз йўлини давом эттираверади. Зеро, бу масъулиятли ишда «тадбиркорбанк» ходимларида малака етарли. Бош ҳисобчи Дилором Набиева, кредит бўлими бошлиғи Акром Сулаймонов, бош мутахассис Бозор Умиров мижозларга шу кун талаблари даражасида хизмат кўрсатишаяпти.

Бугун «Ўзтадбиркорбанк» тизимидаги Қашқадарё вилоят Қамаши тумани бўлими ходимлари фаолияти хусусида ҳам илиқ фикрларни айтиш мумкин. Келинг, яхшиси, банк хизмат кўрсатаётган мижозларга қулоқ тутайлик:

— Мен кичик корхона раҳбари Эшназар Муҳаммадиевман, дейди ўрта бўйли, қотмадан келган, истараси иссиқ киши. — 1997 йилдан бўён кичик корхонамиз аъзолари қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариб келишади. Қамаши туман «тадбиркорбанк»и ходимлари фаолияти бизни қониқтиради. Ҳар йили зарурат пайти 500 минг сўмгача кредит оламиз ва ўз вақтида қайтарамиз. Шунинг учун кредит олмоқчи бўлсам, умуман сарсон қилишмайди. Дарҳол беришади. Улардан миннатдормиз. Ҳа, дарвоқе, банкдан 50 минг сўмлик акция ҳам олганмиз. Ҳар йили дивидентлар берилаяпти. Ишларимиз ривожида «тадбиркорбанк» кўрсатаётган ёрдам бениҳоя катта.

— Ҳа, банк ходимлари ҳар куни 100 нафардан ортиқ мижозга хизмат кўрсатишаяпти. Ҳозирги вақтда банк тўлиқ халқаро талабларга жавоб берадиган электрон тизимига уланган. Бундан ташқари, «Ўзтадбиркорбанк» томонидан чиқарилган акцияларнинг Қамаши тумани бўлимида шу йилнинг ўзида олти миллион сўмликдан зиёди сотилди.

Банкда мижозлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўтган йилларда банк мижозлари 100 га яқин бўлган бўлса, ҳозирга келиб улар сони 500 тага яқинлашиб қолди.

Маълумки, банкнинг асосий капитали аввало унинг тажрибали кадрларидир. Шу сабабли ҳам банк раҳбарияти бу масалага жиддий эътибор бермоқда. Ҳар бир мутахассиснинг билимини ошириб, етарли малакага эга бўлишига эришаяпти. Урол Дўстмуродов, Нурилла Боймирзаев каби банк ходимлари намунали ҳаракатлари билан мижозлар назарига тушган.

— Банк фаолияти стратегиясида авваландоқ белгиланган асосий мақсадимиз, — дейди биз билан суҳбатда «тадбиркорбанк» бўлими бошқарувчиси Ҳусан Чориев — иқтисодиётнинг фаол ривожланиб келаётган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳаларига маблағлар солиб унинг тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан ҳар қанча фахрланса арзийди. Негаки, тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шундай экан, банкимиз ходимлари ҳам уларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатаверадилар.

Комил САХАТОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Муносабат

ИТ ҲУРАР, КАРВОН ЎТАР

Халқимиз офатнинг тури кўп, ўт балоси, сув балоси.., аммо бу офатларнинг энг ёмони одамнинг оласи, мунофиқлик деб бежиз айтмайди. Мустақиллигимизнинг шукуҳли карвони йўлга чиққанидан буён биз бундай мунофиқларнинг қанчасини кўрмадик, дейсиз?! Сохта демократия доҳийлари, бузғунчи муҳолифат етакчилари ва раҳнамолари, амал курсисидан ажраб, халқ ичида мадад тополмай, пана жойга ёки хорижлик «пушти-паноҳлари» биқинига кириб олган, аммо текин бойлик ва ҳокимиятга интилиш хисларидан қайтмаган мансаб қуллари ҳамон бурчак-бурчакдан, хориж матбуоти ва радиостанцияларидан ана шу улуғ карвонимизга тош отишларини, хуришларини қўймаяптилар...

Бугун «Озодлик» радиостанцияси эшиттиришларида тез-тез чиқиб, Ўзбекистоннинг эришаётган ютуқларини кўролмай, ғайирлик билан уйдирма, туҳмат тошларини отиб, аюҳаннос солаётган мунофиқлардан бири Авазхон Мухторовдир. Аммо бу жанобнинг раҳбарлик билан ўтган даврларига назар ташласангиз, мутлақо тескари ҳолатнинг гувоҳи бўласиз. Чунки А. Мухторовнинг ўзи Фарғона вилояти хокимининг биринчи ўринбосари лавозимида, яъни амал курсисида ўтирган йиллари ҳозир ўзи талаб қилаётган нарсаларнинг биронтасига ҳам амал қилмаган эди. Хорижлик ҳомийлари пинжига кириб, ўзининг мудҳиш қилмиши билан халқ нафратига дучор бўлган олчоқ Солиҳ сингари сохта демократ ва Ватан хоинлари билан оғиз-бурун ўпишиб, ичиқоралик билан ўз юртига фитна, ифво ва бўҳтон уруғларини сочган бу шахснинг ўзи ким? Нима учун у ватанфурушлар билан топишиб қолди? Нега, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг ютуқлари унинг хону молига ўт қўйяпти?

Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, аслида бу ҳам мунофиқликнинг бир кўриниши эмасми? Бу билан А. Мухторов жаноблари яна қандай ўйин бошламоқчи ёки қайси ҳомийларининг тўхтаб қолган тегирмонига сув қуймоқчи? Ўта устамонлик билан ўйлаб топилган навбатдаги найранг орқали юртдошларини яна бир карра аҳмоқ қилмоқчими? Бироқ... энди бунинг сира иложи йўқ.

Билсангиз, синчалак деган миттигина қуш бор. Шу қушча ҳамиша оёқларини осмонга қаратганча: «агар осмон тушиб кетса, шу оёқларим билан ушлаб қоламан», деб ётаркан. Бу бир томондан қараганда кулгили, ўз навбатида ачинарли, аммо нима бўлган тақдирда ҳам жуда ибратли мисол. Бу айнан раҳбар бўлгач, ўзидан кетиб қолган, бошқача айтганда оёғи ердан узилган, кўзи бурнидан бошқа нарсани кўрмай қолган, ўзини худонинг ердаги соясі фаҳмлаб қолувчи Авазхон Мухторов каби зотлар учун қиёслаб айтилган гап. Раҳбарни раҳбар қилган ким? Ўз юртдошлари! Ҳар қандай шароитда ҳам унинг ёнида ким туради? Яна ўша юртдошлар. Шундай бўлгач, нимага уларнинг юзига оёқ қўйиш керак? Бу билан раҳбар нимага эришади? Ҳеч нарсага. Фақат ўзини ўзи ризқини қияди, ўз оёғига ўзи болта уради, холос. Чунки зўравонлик билан узоқ вақт отнинг устида ўтириши жуда қийин. Авазхон Мухторов «отга мингач» кўпчиликка ноўрин зулм ўтказди. Эски қонуншуноснинг ўзи қонунни оёқ ости қилди, шу тариқа Фарғонада норасмий раҳбарга айланди. Вилоятда унинг айтгани айтган, дегани деган, ўзи хон, қўланкаси майдон бўлди. Яхшики, тез орада Мухторов жанобларининг танобини тортиб қўйишди. Йўқса яна қанча одамнинг пешонаси деворга урилади, бемаврид бурни қонарди...

Авазхон Мухторов авваллари қарийб йигирма йил прокуратура соҳасида ишлаган одам. Демак, қонунни яхши билади. Раҳбарлик ҳуқуқи, ваколати ва масъулиятидан ҳам яхши хабари бўлгани аниқ. Бироқ... катта раҳбар ҳеч ким, ҳеч нарса билан ҳисоблашишни хоҳламасди. Ҳеч ким унинг хоҳишига тескари бормаслиги шарт ва зарур эди. Бу темир ақидани бузганларнинг ҳолига маймунлар йиғларди. Агар Авазхон Мухторовдан жабр кўрган, у озор етказган инсонларнинг оҳу-ноларини ёзадиган бўлсак, уларни охирига етказиш қийин. Эсингизда бўлса, 1993 йилда А. Мухторов томонидан Тошлоқ тумани раҳбари Қ. Сотиболдиевга нисбатан зуғум бошланди. Унга «Бирликчи», мансабини суистеъмол қилувчи, деган айблар қадалди. А. Мухторовнинг гумашта мухбирлари эса Қ. Сотиболдиевни шахсиятига, ор-номусига тегувчи, таҳқирловчи мақолалар билан хўжайинга қуллуқ қилиб турдилар. Бу «буюртма мақолалар» юзасидан «хўжайин тахтдан қулагандан» сўнг ўтказилган суд мажлисида мухбирлар соқов бўлиб қолишди. Шу тариқа Қ. Сотиболдиев ўзини ноҳақ айбланаётгани, таҳқирланаётгани учун мақола муаллифларини судга бериб, ютиб чиқди.

Хайриятки, биз бугунги кунда демократик жамиятда яшаяпмиз. Онгимиз-шууримизда ўзгаришлар бўляпти, ҳаётимизга демократик тамойиллар тобора чуқурроқ кириб боряпти. Бироқ, бугун ўзини «демократман» деб ваъз ўқиётган Мухторов буни ҳис қилмайди, туғриғоғи буни тушунишни истамайди. Чунки, унинг бошини силаётган ҳомийлари ўнга шундай ўргатишмоқда. Қолаверса, бугун Қ. Сотиболдиев эмас, айнан А. Мухторовнинг ўзи мудҳиш қилмишлари билан халқимиз нафратига дучор бўлган «бирликчилар» ва ақидапарастлар билан оғиз-бурун ўпишмоқда. Бошқача айтганда, кимнинг бирликчи, сохта демократ (Сотиболдиевга шундай айб ҳам тақалганди) эканлиги аён бўлди. Шуни айтсалар керак-да, вақт – олий ҳакам деб.

Ўша йилларда Марғилон шаҳар раҳбарларидан бири У. Ҳакимовнинг шаҳар аҳли орасида ҳурмат-эътиборининг ортиб бориши ҳам ҳамманинг эътибори фақат ўзига қаратилишини хоҳловчи такаббур ва ниҳоятда иззатталаб А. Мухторовнинг гашиғи келтириб қўйди. Чунки У. Ҳакимов ҳам Сотиболдиев сингари «ўзи хон, қўланкаси майдон» – Мухторовга қуллуқ қилишдан кўра, шаҳар аҳли манфаатларини кўзлаб, қонуний фаолият кўрсатишни маъқул кўрди. Оқибатда А. Мухторовнинг қатъий таъқибига дучор бўлди. Мухторовнинг гумашталари уни ҳам вилоят матбуотида ёмонотлиқ қилишди, сохта туҳмат, айблар билан лой чапладилар. Олдиндан шуни айтиб ўтиш керакки, У. Ҳакимов ҳам бу туҳмат айблар юзасидан ўтказилган суд жараёнида ютиб чиқди. Аммо бунгача анча сувлар оқиб кетди. У. Ҳакимов устидан «чўнтак мухбирлар» томонидан уюштирилган фельетондан сўнг раҳбар ишдан олиниб, ўрнига Мухторовнинг шогирди, айни кунларда қидирувда бўлган М. Жўраев раҳбар этиб тайинланди.

Бу туҳмат ва Ҳакимовнинг нима учун ишдан кетиши шунчалик зарурлиги энди маълум бўлди. Мухторовнинг топшириғи билан янги раҳбар Жўраев шаҳарни қиш мавсумига тайёрлаш ниқоби остида шаҳардаги барча ташкилотларни мажбурлаб ҳокимиятнинг банкдаги бюджетидан ташқари алоҳида ҳисоб рақамига 252 миллион сўм маблағ тўплади. Аммо шаҳар меҳнаткашларининг бу маблағи мақсадга мувофиқ ишлатилмади. Шу боис ҳозир ҳам Марғилон шаҳрининг қиш мавсумида иситиш, газ, иссиқ сув билан таъминлаш ва ободонлаштириш масалалари ҳануз муаммолигича қолмоқда. Тўпланган маблағлар содиқ шогирд М. Жўраевнинг буйруғига кўра А. Мухторовнинг акасига қарашли бўлган кичик корхона ҳисобига ва яна бир бошқа савдо ташкилоти ҳисобига ўтказилди. Темурхон Мухторов қўл остидаги корхонага ўтказилган 87 миллион сўм маблағнинг 55 миллиони корхона қарзларини тўлашга сарфланди. 30 миллион сўми эса, айланма маблағга айлантирилди. Яна бир савдо шахобчасига ўтказилган 100 миллион сўм маблағ ҳам шохобчанинг айланма маблағига айланиб қолди. Бу маблағларнинг айланма ҳаракатидан тушган фойда эса А. Мухторов ва унинг гумаштали чўнтагига тушган.

Аммо ҳақиқат эгилади, букилади, синмайди, деганларидек М. Жўраев яна бир қатор таъмагирлик ва бошқа ишларни содир этиб, устози ортидан хорижга жуфтакни ростлаб қолди. Бугун хориждаги ҳомийлари панасида туриб, юртимиз ютуқларини кўролмай сафсата сотаётган А. Мухторов нима учундир булар ҳақида лом-мим демаяпти? Аслида ҳеч нарса дея олмайди ҳам! Чунки унинг қандай инсон эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

А. Мухторовдек «демократия жарчиси», «жиноятчиликка қарши кураш фидойиси»га ёқмай қолганлардан яна бири Марғилон шаҳар автобус-такси саройи директори Бахтиёр Охунов эди. Б. Охунов ҳам вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари чизган эгри чизиқдан юришни истамади, энг ёмони Мухторовнинг юзига буни очиқ айтишдан чўчимади. Ўзига қарши бундай дадил фикр айтиш касаллиги бошқаларга юқишидан чўчиган Мухторов уни ҳам сохта туҳмат, айбловлар билан ишдан олди. Жиноий жавобгарликка тортди. Аммо бугун бу туҳматнинг ҳам миси чиққан. Б. Охунов ҳам узоқ давом этган суд жараёнларидан сўнг ўз номини тўла оқлади.

Хуллас, А. Мухторовнинг бошқаларга туҳмат йўли билан тиркашга уринган бирликчию сохта демократ ва уруғ-аймоқчи деган айбловлари айнан унинг ўзига тегишли эканлиги бугун ойдек равшан бўлган. Олий ҳакам вақт – кимни ким эканлигини кўрсатиб қўйди. У туз ичган тузлуғига тупурди, хоин-ватанфурушларга қўл берди, улар билан оғиз-бурун ўпишиб, ўз халқига, юртига тош отяпти. Бир сўз билан айтганда, мунофиқлигини ошкор қилди. Агар ҳақиқатдан ҳам юртпарвар бўлганда эди, бугун панада туриб эмас, балки айни она юртида, ўз элдошлари олдида туриб, мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишларга ҳамнафас бўларди. Мана, унинг ўзи номларини қора бўёқларга чаплаган Қ. Сотиболдиев, У. Ҳакимов, Б. Охунов ва бошқа ўнлаб кишилар шундай қилишяпти-ку! Демак, жанобни ёки ҳазрати олийлари дейликми сиз ҳақиқатдан пок, ҳалол бўлсангиз, жиноятчи бўлмасангиз сизни ҳеч ким юртдан қувмайди. Халқимизнинг бағри кенг, ҳатто айбсиз эканлигингизни исботлаш учун имконият ҳам беради. Аммо юзингиз шувтилигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз, мардлик эса ҳамиша мунофиқликдан ҳазар қилади.

Биз буни энг аввало сиз сингари сохта «демократ» ва «покдомон»лар ифвосига учраётганлар тушунишини истардик. Сизга эса ҳомтама бўлишга асло ҳожат йўқ, чунки халқимиз ўтган тўққиз йил ичида кимга ишонишу, кимга эргашишни жуда яхши англаб олган. Халқимиз билиб айтган: «Ит ҳураверади, карвон эса ўтаверади!».

Шу ўринда бир мулоҳаза. Баъзи юртдошларимизда «бу ишлар нега айнан ўша вақтнинг ўзида эмас, орадан шунча йиллар ўтиб ёзиляпти?» – деган ҳақли савол туғилиши бизнинг ёндашувимизга «ёв қочса, ботир қўпаяр» дея баҳо берилиши ҳам мумкин. Аввало айтиб ўтиш керакки, ҳар бир ишнинг ўз вақти-соати бор. Айниқса кўпчиликнинг кўз ўнгида бўлган раҳбарга нисбатан муносабатда тошу тарозу, меъёр унутилмаслиги лозим. Демак, бизнинг мақсадимиз вазиятдан фойдаланиб лой чаплаб қолиш эмас. Муддао ҳамма гапни кўпчиликнинг ҳукмига ҳавола этиш, холос. Чунки бундай вазиятда энг одил ҳукмни халқ чиқаради.

Шарқда эскитдан оталар ва болалар муносабатида чуқур ҳурмат, эҳтиром тушунчалари мужассам, оталарнинг қилган хайрли ишлари фарзандларининг йўлини равон қилади. Бу яхши, албатта, бироқ бунга номуносиб нонкўр фарзанд эса, отасининг барча ишлари, элу юртдан олган раҳматларини йўққа чиқаради. Учқўприк туманининг собиқ раҳбарларидан бири Нўъмон Исмоилов ҳам ҳалол меҳнатлари билан юртдошлари орасида катта обрў топган инсоннинг фарзанди эди. Аммо ўғил ноқобил чиқди. Туғриғоғи, отасининг юзига оёқ қўйди. Бир умр отасининг ҳурматини жойига қўйган, ўзига ҳам юксак ишонч билдирган юртдошлари ишончини оёқости қилди. Катта раҳбар Президентимизнинг таъбири билан айтганда, ўз ҳудудида юртбоши бўлиши зарур. Лекин Н. Исмоилов бундай қилмади. Аксинча ўзига, мансабга бино қўйди. Оқибатда халқнинг нафратига учраб, ҳамма нарсани бой берди, шармандаю шармисор бўлди. Бугунги кунда ватангадоликда яшаб, бир сиқим ватан тупроғига зор бўлиб юрипти...

Бу қодир дунё не-не аҳли жаҳонгирларни кўрмади, дейсиз? Агар уларга қиёсласак, уларнинг олдида Авазхон Мухторов ва Нўъмон Исмоиловлар ким? Ўзини ўта «қудратли» санаб юрган бу жаноблар кейинчалик қандай ном билан эсланади? Аниқки, улардан кўпроқ ёмонлик, ёмонликдан эса доғ қолади. Вақти келиб, улар қилмишларига яраша ўз жазоларини олар, бироқ ёмонликдан қолган доғ асло ювилмагай! Уларга берилган энг олий жазо аслида шу эмасми?!

Мирзо ҲАБИБИЛЛО,
Абдуқодир ИЛЁС.

Партия сафларини мустаҳкамлаш ва ҳар бир партия ташкилотининг фаоллигини ошириш олдимизда турган улуғ вазифалардан бирига айланмоқда. Бу борада партия Сиёсий Кенгашидан тортиб қуйи партия ташкилотигача бўлган бўғинда муҳим ишлар олиб борилаяпти. Партия Сиёсий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган IV Пленумида ҳам бу борада алоҳида тўхталиб ўтилди. Партия сафларини сон ва сифат жиҳатидан мустаҳкамлашга доир ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилиб, келгусида қилинадиган ишлар белгилаб олинди.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати, академик Турғунпўлат Даминов Пленумнинг бир гуруҳ қатнашчилари билан партия сафларини сон ва сифат жиҳатидан ўстириш ва мустаҳкамлашга доир «Адолат» газетасида ёритилган мақолалар хусусида ўзаро фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашмоқда; Хоразм вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Йўлдош Худойберганов, Тошкент вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Эргашев, Қашқадарё вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Абдулла Абдуназаровлар доимо партия сафларини бугунги кун талаби даражасига етказиш устида астойдил ишламоқдалар.

Дардингизни биз тинглаймиз

ТАХТАЕВМАС, ТЎХТАЕВ

Мустақил Ўзбекистонимизда эришилаётган ютуқларни санаб етиш қийин. Шулардан бири ва асосийси тилимиз эркинлиги, демократия тантанасидир. Бугун ўзбек тилида ҳар қандай маҳкамада, идорада ёки кўча-кўйда гапириш мумкин. Муқаддам Иттифоқ даврида обрўли идораларда рус тилида гапириш ёки ариза ёзиш маданият белгиси бўлганлиги ҳали ҳамманинг ёдида бўлса керак. Ҳатто, ота-боболаримиз қўйган исмларни ўша тилга мослаб ёзиш ҳам анъана тусига кириб қолганди...

Аслида фамилияси Тўхтаевлар — Тахтаев, Ёмонқулов бўлганлар — Яманкулов, Йўлдошевлар — Юлдашев, Убайдуллаевлар — Ибайдиллаев бўлиб қолишган. Албатта, бунда исм ва фамилия эгаларининг мутлақо айби йўқ. Ушбуни битадиган маҳкамада ўтирганлар шундай қилишарди, туғриғоғи уларни шундай ёзишга ундашарди. Чунки, имкон борича русчага яқинлашиш, рус тилида гапирадиганлар бу сўзларни равон ўқишлари учун шундай қилинарди.

Ўша йиллар нуқсонларини тугатиш учун ҳамон азоб чекаяпмиз. Жуда кўплаб меҳнаткашлар исм, фамилияларининг нотўғрилиги ҳақида, бузиб ёзилганлиги тўғрисида гапириб юришибди: Ёнбосар — Явбасар, Очил — Ачил, Тожи — Таджи, Қобил — Кабил, Тиркаш — Тиркач, Жўрақул — Джуракул бўлиб ёзилиб қолган ҳоллар минглаб топилади...

Ўзбекистон Республикаси оила кодексининг 28-бобида фамилия, исми отасининг исмини ўзгартириш ҳақида, шунингдек, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига асосан ҳам бу ишлар амалга оширилиши кўрсатилган. Ушбу моддага мувофиқ Ўзбекистонда яшовчи шахслар миллати, динидан қатъий назар, исм, фамилияси, отасининг исмини миллий-тарихий анъаналаримизга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шундай экан қизил империя қолдиқларини ҳеч эринмасдан тозалашимиз, аниқроғи исм, фамилияларимизни тўғрилаб олишимиз зарур. Бунинг учун ҳаммамизда имкониятлар бор. Жойлардаги туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлимларимиз бу ишда сизларга ёрдам берадилар.

Раъно ҲАКИМОВА,
Жиззах вилояти
Адлия бошқармаси
бошлиғининг
ўринбосари.

Ким нима экса...

НОСҚОВОҒИДАН АЖРАГАН «НОСФУРУШ»

— Мана бу «отинг қарағай» сенга ва менга ўхшаганларни қўёш чиқиб ботгунча, қарабсанки, бойвачча қилиб, элда танитиб қўяди. Фақат эплаб, «у ёққа» обориб берсанг бўлгани. Укдинг-ми?!..

— Маҳмуджон, агар эшитаётганларим бари рост бўлса, тез кунда бойвачча бўлиб қоламан-у. Ҳа-а, қани эди тезроқ бошимга офтоб чарақлаб чиқа қолса-ю...

— Тентак, бу ёғини қойил қилиб юборсанг, килосига қўша-қўша машиналар оласан.

— Жуда қўрқиб кетаяпман. Маҳмуджон!...

— Ҳа-а, бойлик ҳам кулдиради, ҳам йиғлатади. Фақат кулги билан йиғининг фарқига бормоқ керак.

— Бу билан бойлар йиғламайди, демоқчисиз-да?

— Пул, молу давлатдан юз ўгирган кишини кўрмаганман. Бўлган-ми ё!.. Азалдан дунё шундай яралган. Бойишнинг энг осон йўли, «наркобизнес»! Фикрингни бир жойга қўйиб, дунёга назар сол-чи... Иннайкейин, ёшлигингда фарзанд кўрсанг, бойиб олсанг келажагинг Шох ва шохзодалардек ўтади. Тасаввур қил! Ҳашаматли, мармар ҳовли-жой, «Қиролича» хоналар, хоналар чет элнинг салобатли мебеллари билан тўлган. Уйингда хизматкорлар, ёнингда парирухсор хотининг, а!.. Агар бундай киройи бойликка эришолмасанг-чи? Афсуски, аттангдан бошинг чиқмайди.

—Маҳмуджон, сиз дунё кезган одамсиз-да. Жуда-а дилимдагини гапирдингиз. Манам бундай афсонавий бойиш ҳақида жуда-а кўп ўйлаганман. Билмадим, мендан «наркобизнесчи» чиқармикан?..

Бошланмасига мана шу 300 грамм «гашишни» Москвага обориб, тақдирингни бир синаб кўр-чи?! Кейинги «ходка»ларга қандай киришиб кетганингни тасаввурам қилолмайсан. Россияда эса харидорлар интизор.

— Маҳмуджон, бир нарсани ўйлаб қолдим.

— Хўш, нимани?

— Бутун жаҳон қаҳри қаттолга қарши кураш олиб бораётган бир пайтда «ха» деб «ура-а!!! қилаверсак. Бир куни тўрга илиниб қолмаймиз-ми? Бу ёғи...

— Бее, қаёқдаги гаплар билан миянгни заҳарлаб олгансан-а! Ман санга айтсам, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Агар шу бемаъни фикрлар оғушида кўмилиб юрсанг, бизнинг сафга қўшилиб юришни ўйлама. «Ошиғинг»ни олгинда, «гарткам» деб кўча чангитиб юравер. Фақат шу йўл билангина одамлар катта-катта бойликка эга бўлаётганини кўрмаётган бўлсанг, сенга ниманиям ўргатиб бўларди. Кўриб турибсан, ҳозир ишлаб чиқаришга ҳурмача тўлмайди. Хазинанинг тахтиравони «қора марварид»!

— Тавба, қилдим Маҳмуджон! Гапирсам тилим танглайимга ёпишсин.

— Шунча гаплашиб олдик етар. Энди сафарга отлан, «Баклашка» топ. Ҳозир ҳаммасини қўлбола қилиб жойлаб бераман. Қани бирорта «йўлтусар» хизматчи сезиб бўпти. Мана, ҳидлаб кўрчи, «гашиш»нинг ҳиди билан носнинг ҳиди ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Энг муҳими иккисиям рангдош. Кимам ўйлабдики, носга «гашиш» жойланишини. Уларни чалғитишнинг янгидан-янги йўлларини ўйлаб топмасанг, ишинг юришмайди.

— Сизга қойилман, Маҳмуджон! Йўқни йўндирасиз. Бунақаси бизнинг каллага қаёғданам келсин.

Улар бирпастда иккита бир ярим литр сиғимли пластмасс сув идишига «гашиш»ни носга аралаштириб жойлаб чиқишди. Ишлар ниҳоясига етгач Маҳмуджон Мансурбекка:

— Кўрдинг-ми, иншоллоҳ бу операциямиз ҳеч бир кимсада шубҳа уйготмайди, — деди мақтаниб.

223-сонли Душанбе — Москва йўналиши билан йўлга чиққан тезрар поезд Республикамизнинг «Сариосиё» темир йўли бекатида бир соат туриб қолди. Одатга кўра, вагонлардаги йўловчилар божхона хизматчилари чиғириғидан ўтказилади.

Божхона инспектор назоратчилари иккитадан ўз йигитлари билан вагонларга бўлиниб кетишди. Туртинчи вагонни назоратдан ўтказиш смена бошлиғи, капитан Тилла Эшматовга қолди.

У купейлардаги йўловчиларни синчков назоратдан ўтказди. Назарида ҳаммаси рисоладагидек кўчгандек эди-ю, аммо нимадандир кўнгли хижил эди. Кимнидир назоратдан яхши ўтказмагандай бўлди. Купейларда ўтирганларни яна бир бора кузата бошлади. Бешинчи купейда ўтирган йигитнинг қарашидан ниманидир пайқади. У томон яқин борди. Ва саволга тутди.

— Йўл бўлсин, оғайни?

— Москвага, ишлашга!..

— Москванинг бағри кенг экан. Кимдан сўрама бир хил жавоб. Ишга ёки тижоратга.

— Командир, ҳозир ҳар ким ўз аравасини ўзи тортадиган замон. Олди қиш келаяпти, ишламасак аҳвол чатоқ.

— Қани, турвани очинг-чи. Нимаси бор ичида?

— Начальник ҳозиргина кўриб ўтдингиз-у?

— Кўнгилга малол олманг. Хизматчилик. Қолаверса, ишимиз шунақа.

Мансурбек кўк рангли тўрва сумкасини истар-истамас очди. Нос тўлдирилган иккита бир ярим литр сиғимли пластмасс сув идиши яна майда-чуйда йўл ҳозирликлари.

— Чекишгами, ё сотишга?.. — сўради назоратчи.

— Бировга сўраса «йўқ» демаймиз. Ўзим тайёрлаганман. Қўлболаси.

Тилло идишнинг оғзини очиб ҳидлади. Зў-ўр носнигиз билиниб турарди. Идишнинг қопқоғини қайтариб жойига қўйди.

— Айтганингизча бор экан. Бизнинг Узунни носиям чаккимас. Лекин сизникига тенг келолмайди.

— Таниш-билиш учун атайлаб «заказной» тайёрлаймиз, командир, — дея гапни айлантиришга ҳаракат қиларди у. Носфурушнинг ҳийласи чиғирикдан ўтолмади. Ғалвир сувдан қутарилиб қолганда... Носфурушнинг «носқовоғи» божхонада иккига кесилиб кўрилганда носнинг орасига усталик билан жойлаштирилган қаламнинг йўғонлигидек, узунлиги икки сантиметр чамасидаги юмалоқ нарсалар думалаб туша бошлади. Тутиқушдек сайраб турган Мансурбекнинг тиллари айланмай, танасига иситма югурди.

Булар нима, Мансурбек? — суради назоратчи Тилло Эшматов.

— «Гашиш», — дея жавоб қилди синиқ овозда, кўзларини хазинасидан олиб қочолмай «носфуруш».

Душанбе шаҳрида туғилган 26 ёшли Мансурбек Холовнинг саргузаштлариям охирлаб қолди. Унинг сирли «қора хазина»си холислар иштирокида текширилганида 247 грамм 400 миллиграмм «гашиш» борлиги аниқланди...

Азал-азалдан ота-боболаримиз ҳалол меҳнат билан каттa эҳтиромларга сазовор бўлиб келишган. Кейинги пайтларда ҳеч қаерда ишламай, бўйни меҳнатга ёр бермай юрган аёллар оғуфурушликка муккасидан берилиб кетди. Бу ҳолни ҳар ким ҳар хил таҳлил этади. Бироқ, дунёда узгаларнинг ҳаётини хавф остига қўйиб бойлик орттираётган кимсаларнинг умри илдизи чириган дарахтга ўхшайди...

Зотан, Тилло Эшматовга ўхшаган божхонамиз хизматчиларининг элим деб, юртим деб ёниб яшашлари давлатимиз қонунлари устиворлигини таъминлашда, эл-юрт, ватан осойишталиги, тинчлиги, фаровонлиги йўлида олиб бораётган хизматлари мисоли узукка кўз қўйгандек, ярашиг.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ.

Болаларингизга ўқиб беринг

ОЙМОМАЖОН АЙЛАНДИ

Оймомажон айланди,
Кўнглим унга бойланди.
Коинотда шоҳ ўзи,
Дунёни кўрар кўзи.
Юртимизнинг посбони,
Сергак ўтар ҳар они,
Оймомажон айланди,
Кўнглим унга бойланди.
Табассумла боқади,
Қалбга ўтин ёқади.
Офтобойдир онаси,
Меҳригиёҳ боласи.
Оймомажон айланди,
Кўнглим унга бойланди.
Кулча, патир нон
ташлар,
Ризқимизни улашар.
Жаннатдадир макони,
Унда кўпдир зар кони.
Оймомажон айланди,
Меҳрим унга бойланди.

ОҚ ҚУШЛАР УЧИБ, ЕЛИНГ

Оқ қушлар учиб, елинг,
Бахт, иқбол ола келинг!
Туроним чорбоғида
Даласию боғида
Сизга қучоқ очади,
Ризқ-рўзингиз сочади.
Амир Темур руҳи шод,
Бизга бўлсин ёвлар ёт.
Мустақил она диёр,
Истиқлолим, эрк бисёр.
Оқ қушлар учиб, елинг,
Бахт иқбол ола келинг!
Омон-омон бўлди деб,
Ўз гамини, ўзи еб.
Юрт ишқида ёнамиз,
Ёшу, қари ҳаммамиз!
Бахти порлоқ Ватанда,
Мардлик жўшар
ҳар танда.
Кўкси қалқон
қалбларда
Тинчлик тушмас
тиллардан.
Оқ қушлар учиб, елинг,
Бахт иқбол ола келинг!

Одинахон САМИЕВА.

«Адолат» аралашгач...

УЙ БЕРИЛАДИ

Тошкент шаҳар Чилонзор Д-20 а даҳаси 17-уй, 5-ётоқхонанинг 602-хонасида яшовчи М. Мусаева таҳририятимизга хат йўллаб, бир неча йиллардан буён имтиёзли равишда уй ололмаётганлиги ҳақида шикоят қилган эди. Бугун унинг шикояти юзасидан қуйидаги жавоб олинди:

— Чилонзор тумани ҳокимининг ижроия маҳкамаси М. Мусаеванинг уй-жой масаласи бўйича ёзган аризасини кўриб чиқди. М. Мусаева ҳақиқатдан ҳам уй-жойни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлимида уй шароитини яхшилаш мақсадида 1992 йилдан буён имтиёзли навбатга олинган. Шу сабабли М. Мусаевага туманда бушаётган уйлардан бир хонали квартира ажратилади.

А. ИВАШКИН,
Чилонзор туман
ҳокими ўринбосари.

«Обуна-2001»

«Адолат» ҳамиша Сизга ҳамроҳ бўлсин!

Адолат ва ҳақиқат жарчиси «Адолат» газетаси йил сайин одамлар қалбидан чуқур жой олмоқда. Газета саҳифаларида турмушимизнинг ҳамма соҳалари изчил ёритиб борилаяпти. Юртимизда адолат тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Газета келаси йили ҳам кўпчилик муштарийларнинг севимли нашрига айланади. Унда Сиз азиз газетхонлар ўзингизни қизиқтирган кўплаб масалаларга жавоб олиб, ранг-баранг мавзулардаги бир-биридан қизиқарли мақолалар, очерк ва фельетонлар, памфлетлар билан танишасиз. Севимли газетангиз порахўрликка, таъмагирликка, мансабпарастларга, ўз вазифасини суиистеъмол қилувчиларга, танишбилишчиликка ва эл ризқига чанг солган, кибру ҳавою, айш-ишратга берилганларга қарши адолат шамшири билан дадил курашаверади.

Азиз муштарийлар! Айни пайтда газетага обуна давом этмоқда. Келгуси йилда ҳам уни қўлдан қўймай ўқий десангиз — «Адолат»га обуна бўлинг! Нашр кўрсаткичи — 100.

ХАЛҚИМИЗНИНГ МАРД ЎҒЛОНИ, ШАРАФ ВА ШОНИ, МУҲАММАДҚОДИР ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ!

СИДНЕЙДА ЎЗБЕКЧА ГУРУНГ

2000 йил 1 октябрь. Сидней вақти билан соат миллари 21.11 ни кўрсатганда XXVII Олимпиада ўйинлари олови ўчди. Яъни асримизнинг энг йирик спорт мусобақалари поёнига етди.

Шундан сўнг катта концерт, ажойиб мушакбозлик бошланди. Маълум вақт ўтиб олимпиаданинг ёпилиш маросими тугади. Аммо Сиднейда ўйин-кулги, сайр томоша, дўстона суҳбатлар, гурунглар, тонггача давом этди. Кубаликлар албанлар билан, араблар руслар билан, украинлар ҳиндулар билан, ўзбеклар американликлар, испанлар, французлар билан қучоқлашиб, ажойиб ғалабалар билан бир-бирларини табрикладилар. Давраларда ўзбекча гурунглар янгради.

«О, спорт! Сен – тинчлик элчиси!» деган сўзларни айтган Пьер де Кубертен агар ҳаёт бўлганида ўз сўзларининг нақадар тўғрилигини кўрган бўларди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч XXVII Олимпиада ўйинларини тарихдаги энг ёркини ва зўри деб тан олди.

ОЛҒА, ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистонлик спорт ишқибозларининг нигоҳи 16 кун мобайнида Австралияга қаратилди. Ҳамманинг кўнглида бир савол: қандай бўларкин, ким ғолиб бўларкин, ўзбекистонликларга омад кулиб боқармикин? Ушбу саволлар анча кун мобайнида барчамизни тўлқинлантириб турди.

Очиғи, дастлабки кунларда шохсупаларда Ватанимиз спортчилари кўринишмади. Бу айримларда тушкунлик кайфиятини келтириб чиқарган бўлса ажаб эмас.

Аммо Олимпиаданинг сўнгги кунлари ўзбек халқи учун, Ўзбекистон спортчилари учун чинакам байрам бўлди. Ўзбек ўғлонлари шиддатла олға интилдилар. Андижонлик пахлавон боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев америкалик чарм қўлқоп устаси Рикардо Уильямсни мағлуб этиб, Олимпиада чемпиони бўлди.

Эркин кураш бўйича чапдаст полвонимиз Артур Таймазов не-не паҳлавонларнинг курагини ерга текказиб, кумуш медаль совриндори бўлди. Боксчиларимиздан Рустам Саидов ва Сергей Михайловлар Олимпиаданинг бронза медалларини қўлга киритдилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида 200 давлат вакиллари ичида 41-ўринни эгалладилар. Медаллар сони ва салмоғи бўйича Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари бўлмиш Латвия, Эстония, Молдавия, Грузия, Арманистон, Қирғизистондан ва анча тараққий этган Аргентина, Португалия, Бразилия, Исроил каби мамлакатлардан ўзиб кетди. Бугун жаннатмакон диёримизнинг ҳар бир гўшасида она юрт довруғини, шуҳратини, ғурурини оламга ёйган баҳодирларни барча олқишламоқда.

XXVII ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШГАН МАМЛАКАТЛАР СПОРТЧИЛАРИ ҚЎЛГА КИРИТТАН МЕДАЛЛАР

Мамлакатлар	олтин	кумуш	бронза	Жами
АҚШ	39	25	33	97
Россия	32	28	28	88
Хитой	28	16	15	59
Австралия	16	25	17	58
Германия	14	17	26	57
Франция	13	14	11	38
Италия	13	8	13	34
Голландия	12	9	4	25
Куба	11	11	7	29
Буюк Британия	11	10	7	28
Руминия	11	6	9	26
Корея	8	9	11	28
Венгрия	8	6	3	17
Польша	6	5	3	14
Япония	5	8	5	18
Болгария	5	6	2	13
Греция	4	6	3	13
Швеция	4	5	3	12
Норвегия	4	3	3	10
Эфиопия	4	1	3	8
Украина	3	10	10	23
Қозоғистон	3	4	–	7
Белоруссия	3	3	11	17
Канада	3	3	8	14
Испания	3	3	5	11
Эрон	3	–	1	4
Туркия	3	–	1	4
Чехия	2	3	3	8
Дания	2	3	1	6
Кения	2	3	2	7
Финляндия	2	1	1	4
Австрия	2	1	–	3
Литва	2	–	3	5
Озарбайжон	2	–	1	3
Словения	2	–	–	2
Швейцария	1	6	2	9
Индонезия	1	3	2	6
Словакия	1	3	1	5
Мексика	1	2	3	6
Жазоир	1	1	3	5
Ўзбекистон	1	1	2	4
Латвия	1	1	1	3
Югославия	1	1	1	3
Багами	1	1	–	2
Янги Зеландия	1	–	3	4
Тайланд	1	–	2	3
Эстония	1	–	2	3
Хорватия	1	–	1	2
Камерун	1	–	–	1
Колумбия	1	–	–	1
Мозамбик	1	–	–	1
Бразилия	–	6	6	12
Ямайка	–	4	3	7
Нигерия	–	3	–	3
Бельгия	–	3	3	6
ЖАР	–	3	3	6
Аргентина	–	2	2	4
Марокко	–	1	4	5
Тайван	–	1	4	5
КХДР	–	1	3	4
Вьетнам	–	1	1	2
Молдавия	–	1	2	2
Саудия Арабистони	–	1	1	2
Тинидад ва Тобаго	–	1	1	2
Ирландия	–	1	–	1
Уругвай	–	1	–	1
Грузия	–	–	6	6
Коста-Рика	–	–	2	2
Португалия	–	–	2	2
Арманистон	–	–	1	1
Барбадос	–	–	1	1
Исроил	–	–	1	1
Ҳиндистон	–	–	1	1
Исландия	–	–	1	1
Катар	–	–	1	1
Қирғизистон	–	–	1	1
Қувайт	–	–	1	1
Македония	–	–	1	1
Чили	–	–	1	1
Шри-Ланка	–	–	1	1
ЖАМИ:	301	299	328	928

● *Меҳр-мурувват тимсоли*

ИНСОН ТАҚДИРИГА ҒАМХЎРЛИК

Дунё давлатчилиги тарихида мамлакат ва халқлар ҳаётида оламшумул воқеалар, муҳим саналар, анъанавий байрамлар арафасида юрт бошида турганлар томонидан инсонпарварлик, рағбатлантириш ишларини амалга ошириш одат бўлган.

Жумладан, қулликдан озод қилиш, хато қилганларни кечириш, қонун, тартиб-қоидаларни бузганлар, жиноят содир этиб жазоланганларни авф этиш, ҳатто асирларни, қулларни озод қилиш, ўлим жазосига буюрилганларни «Бир қошиқ қонидан ўтиш»лар ҳам бўлган. Бу ишлар турли давр ва мамлакатларда турлича кечган бўлса-да, асосан ўша давлат раҳбари ёҳуд тузумга қараб — олий вакиллик ҳокимиятининг мутлоқ ваколатига кирган.

Бу тамойил мустақил Ўзбекистонимизда ҳам конституциявий тарзда қабул қилинган. Қомусимизнинг 93-моддаси 20-бандида мустаҳкамлаб қўйилган бу ваколат давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси Президентига берилган. Қолаверса, раҳм-шафқатлилик — кечиримлилик, йиқилганни суяб қўйиш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш халқимизнинг энг улуғ фазилатларидан бири ҳисобланади. Боболаримиздан қолган бир гап бор: гуноҳ қанчалик катта бўлмасин авф савоби ундан ҳам буюк. Мустақил бўлганимиздан сўнг ўзимизга хос йўлни танлашда, давлатимизнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишда халқимизнинг ана шу фазилатлари, миллий табиати ҳисобга олинмоқда. Бундай улуғ ишлар Ўзбекистоннинг буюк тарихий саналари, байрамлари арафасида амалга оширилиб, босиб ўтилган оламшумул воқеалар юзага қалқиб чиқмоқда. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрами ҳам энг улуғ, энг муътабар айёмдир. Бу йил биз унинг 9 йиллигини нишонладик. Шу муносабат билан улуғ сана олдидан юртбошимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўзининг устувор вазифасига айлантирган Ўзбекистондек имкониятлари бой мамлакат ҳаётидаги катта воқеа бўлди. Унинг ҳар бир жумласи инсонпарварлик руҳи билан суғорилган, инсон тақдирига, унинг келажак ҳаётига ғамхўрликла йўғирилган. Чунки мазкур ҳужжатнинг замирида аввало инсоннинг ҳаёти, кейинги қисмати, оиласининг тақдири ётибди. Амнистия ҳақидаги Фармон қанчаданқанча шахсларга жазо муддатидан олдин уйга қайтиш, оиласи билан бўлиб, ҳаётини янгитдан бошлаш ҳуқуқини бермоқда. У озодликка чиқаётган фуқаронинггина эмас, балки унинг ортидаги ўнлаб одамларнинг ҳам ҳаётида ўзига хос аҳамият касб этади. Зеро, ўз мустақиллигига эришган, том маънода тўла ҳуқуққа эга бўлган давлатимиз соғлом авлодни тарбиялаш, инсонни ҳар томонлама камол топтириш йўлида, улкан ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, ҳуқуқий онгни ўстириш, жамиятнинг ҳар бир аъзосини қонун нормаларига ҳурмат руҳида тарбиялаш юзасидан қилинаётган ишларнинг кўлами беқиёсдир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб белгиланиши ўсиб келаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама давлат томонидан муҳофазага олинишининг кафолатланганидир. Ўз навбатида қонун нормаларига итоат қилмай жамиятимиз учун ёт бўлган жиноят йўлига кирган ёшларнинг носоғлом қатламини қайта тарбиялаш муҳим вазифалардан биридир. Мустақилликдан сўнг ўтган давр мобайнида Президентимиз томонидан амнистияга доир 11 та Фармон қабул қилинди. Бу тўфайли қатор шахслар авф этилди. Шунинг ўзиёқ юртимизда инсонпарварлик ғояларининг кенг кўлам отаётганлигини ёрқин намойиш этиб турибди.

Амнистия аввало тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий актдир. Биринчи галда ижтимоий хавфли бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган ва қилган ишидан аччиқ пушаймон бўлиб қатъий тузалиш йўлига кирган шахсларни амнистия таъсирига тушириш кўзда тутилади. Ундан улар келгусида тегишли хулоса чиқарган ҳолда жамият ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади деган масала ётади.

Амнистия актларини қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, амнистия тўғрисидаги Фармон талабларининг нотўғри тушунилиши оқибатида амнистияга тушмаган шахсларнинг қариндош-уруғлари томонидан ариза ва шикоятларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Ваҳоланки, ҳар бир амнистия тўғрисидаги Фармоннинг ўзига хос ҳуқуқий ҳолатлари мавжуд. Жумладан, амнистия таъсирига тушмайдиган, яъни, муқаддам судланиб, яна қасддан жиноят содир этган, олдин ҳам амнистия ёки авф этиш актлари асосида жазодан озод этилган, жазони ўташ давомида ашаддий тартиб бузувчи шахслар ва бошқа ҳолатлар бевосита амнистия тўғрисидаги Фармоннинг ўзида ёҳуд шу Фармонни қўллаш тартиблари тўғрисидаги Низомда янада кенгроқ ёритиб берилган.

Шуниси муҳимки, мазкур Фармонда инсонпарварликнинг муҳим тамойилларига амал қилинган. Шу билан бирга у турли сабабларга кўра жиноят содир этганлар, йўлдан адашганларга ўйлаб кўриш, хулоса чиқариш, маънавий тикланишга бурилиш учун имконият бериш орқали жамиятда жиноятчилик ва қонунбузарликни олдини олишга қаратилгандир. У «хўлу-қуруқ»ни бирваракайига «озодсан, бор, ўйнайвер!» қабилидаги адолатсизликка ҳам ўрин қолдирмайди. Бунда ана шундай муносабатга арзийдиган ва арзимайдиганлар тўла ҳисобга олинади. Шу сабабли ҳам мустақилликни, ватанни, халқни, жамиятимиз тартиб-қоидаларини мутлақо менсимай қўйганлар амнистиядан умидвор бўлишлари ноўриндир. Шу боисдан ҳам ушбу амнистия актини уюшқоқлик билан адолатли ва бехато амалга ошириш, турли гап-сўзлар ва нотўғри талқинларга ўрин қолдирмаслик учун унинг моҳият ва мазмунини тўла англаб, тушуниб етиш зарур.

Бу галги амнистиянинг қамрови жуда кенг бўлиб, чуқур ўйлаб ишланган. Унда халқимиз истаги, хоҳиш-иродаси, Президентимизнинг юртимиз фуқароларига бўлган оталик меҳри ҳам жилоланган. Қаранг, қанча адашган инсонлар, синиқ тақдирлар яна қаддини ростлаш имкониятига эга бўлаяпти. Қанча ўкинч қалблар малҳам топаяпти. Яқинларини орзиқиб кутаётган болалар, аёллар, ота-оналар, қариндошлар илҳак кўнгилларига нажот топаяпти. Бу йилги амнистиянинг кенг қамровлилиги инсонийлик тамойилларини маҳкум шахсларга янада кенгроқ қўлланилганлиги, айниқса, аёлларга, қарияларга ва вояга етмаганларга бениҳоя катта меҳр-мурувват кўрсатилганлигида ифодаланган. Фармоннинг биринчи моддасида хотин-қизлар ёшидан қатъий назар, 60 ёшдан ошган эркаклар ҳамда I ва II-гуруҳ ногиронлари, вояга етмаганларни, чет эл фуқароларини жиноий жазодан озод қилиш белгиланган. Лекин Фармонда белгиланганидек, мазкур модда уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этган, ўта оғир жиноятлар учун судланганлар, шунингдек, қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситаларининг савдоси билан шуғулланган шахсларга, ўта хавфли рецидивистларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Фармоннинг 2-моддасига мувофиқ уч йилгача озодликдан маҳрум этилган, шу билан биргаликда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлари учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинади. Биринчи маротаба олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилиниши Фармоннинг учинчи моддасида кўрсатилган. Бу — шахс биринчи маротаба жиноят содир қилганлиги учун судланиб олти йил озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатини бир йилу олти ойини ўтаган бўлса озодликка чиқишини билдиради. Фармоннинг бешинчи моддаси эса биринчи маротаба жиноят содир этиб, тўрт йилгача озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахсларга жазодан бутунлай озод қилиш имконини беради. Фармоннинг бошқа моддалари ҳам инсонпарварлик, меҳр-мурувват, инсон тақдирига ғамхўрлик қилишдек бебаҳо инсоний фазилатларга йўғрилган. Шу билан биргаликда унинг ўнинчи бандида Ўзбекистон Республикаси Конституцион тузумига қарши жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан амнистия қўлланилмаслиги белгиланган. Яъни, террористик, экстремистик ва бошқа ноқонуний ташкилотлар, жиноий уюшмаларда иштирок этиш, миллий, ирқий адоват қўзғатиш ва жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар ўта оғир жиноятлар ҳисобаланади. Бундай жиноят бир ёки бир неча киши ҳаётига эмас, балки бутун жамият, бутун халқ хавфсизлигига таҳдид солади. Бундай жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан амнистия қўлланилмаслигидан бутун жамият манфаатдордир.

Амнистия актларининг муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги келгусида рецидивист жиноятларни олдини олишда катта роль ўйнашини эътиборга олган ҳолда, уларнинг моҳиятини ҳар бир амнистия қўлланилиши лозим бўлган шахсларга чуқур тушунтирилмоғи ва бу ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишга ваколатли бўлганлар томонидан ўз вақтида тадбиқ этилиши таъминланмоғи лозим. Бу борада прокуратурамиз ходимлари томонидан тегишли ишлар олиб борилмоқда. Фармоннинг жамиятимиз ҳаётида тутган муҳим ўрни барчага етказилмоқда.

Яна бир гап: Юртбошимиз бир неча бор оммавий ахборот воситалари, телекўрсатувлар орқали жамиятимизнинг равон ва барқарор тараққиётига таҳдид солувчи ҳаракатлар, диний экстремизм, сепаратизм, ислом фундаментализми ва бошқа жоҳиллик, ҳиёнат қилиш билан суғорилган ташкилотлар тузишда қатнашиб, улар фаолиятига адашиб кириб қолганлар бош эгиб айбига иқрор бўлсалар, улар кечирилади, айблари авф этилади, деб таъкидламоқдалар. Дарҳақиқат, қонунларимиз «эгилган бошни қилич кесмайди» деган ақидани моҳиятан ўзида акс эттирган. Янги қабул қилинаётган қонунларимизи ҳам бу ҳолатни ўзида мустаҳкамламоқда. Уларга кўра, юқоридагидек қонунга хилоф ҳаракатлар, жиноий ишлар ҳақида ўз вақтида хабар бериш, жиноятларнинг очилишида ва фош этилишида ихтиёрий ёрдам кўрсатганлик жазодан озод қилишга асос бўлади. Бу ҳам қонунларимизда, Юртбошимиз Фармонларида адолат, фуқаролик, меҳрибонлик ва мурувват барқарор эканлигидан далолатдир. Зеро, инсонпарварлик, раҳм-шафқатлик, кечиримлилик мустақил давлатимизнинг устувор тамойилларидан бири ҳисобланади. Конституциямиздан тортиб қабул қилинаётган барча қонун ва қарорларнинг асл моҳиятида инспонпарварлик ғояси ётибди. Биз адолатли ҳуқуқий демократик жамият қурямиз. Инсон манфаати тўғрисида қайғуриш, фуқароларнинг тинч-тотув, осойишта ҳаёт кечириши, меҳнат қилишини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг асосий йўналишларидан биридир.

Комил ИСМОИЛОВ,
Тошкент вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.

ҚАҲҚАҲА

Биров пулини йўқотиб одамларга:

— Шу бугунги кундан машъум кун йўқ, — деб ҳасрат қилибди.

Ўғри эса:

— Ҳамма учун эмас, — дебди.

* * *

— Азизим, сен мени Ромео Жулеттани севгандай севасанми?

— Билмадим, мен у асарни ўқимаганман.

— Унда Отеллодай рашк қила оласанми?

— Уни ҳам ўқимаганман.

— Нима ўқигансан ўзи?!

— «Му-му»ни. Ҳадеб аккилайверма... йўқса, чўктириб юбораман.

* * *

Икки оғайни учрашиб қолибди.

— Кечирасану, — дебди бири иккинчисига, — кеча уйинг олдидан ўтиб кетаётган эдим, ойнанг очиқ қолган экан. Хотинингни «Бери кел, жонгинам» деб қувиб юрган экансан...

— Сенга бир гап айтайми, кулавериб ичагинг узилади.

— Хўш-хўш, қани эшитайлик-чи?

— Гап шундаки, кеча мен уйда йўқ эдим...

* * *

— Мен маст эмасдим, сира ҳам маст эмасдим, — деб ўзини оқлай бошлади шофер судья олдида. — Мен фақат озгинагина отган эдим.

— Мана бу бошқа гап, — деди судья. — Ана шуни ҳисобга олиб, мен сизни олдин қарор қилганимдек, етти кунга эмас, балки бир ҳафтага турмага тиқишга ҳукм қиламан.

* * *

Фолбин мижозига валақлаяпти:

— Мен сизнинг гулгун келажагингизни кўриб турибман... Юқори лавозим зинапояларидан ўқдек учиб боряпсиз. Мен сизни ялт-юлт кийимда кўряпман.

Мижоз:

— Бунинг ҳаммасини менинг ўзим ҳам биламан. Мен ўт ўчирувчиман, ахир!

* * *

Сартарошхонада уста келган мижознинг икки жойини кесиб олишга улгургач, уни суҳбатга тортди:

— Сиз илгари ҳам бизнинг сартарошхонада бўлганмисиз?

— Ҳа, йўқ-а. Қўлимни мен урушда йўқотганман.

* * *

Бир шотланд отда сайр қилиш мактабига кириб келди ва сўради:

— Мен сизлардан эрталабки сайр учун от ёллашим мумкинми?

— Албатта, мумкин-да! Хўш, сизга қанақа от бўлсин, чопқир отми, бўш-баёқ отми, ёки йўрга қадамими?

— Менга ўзуни афзалроқ!

— Ўзуни?!

— Ҳа-да! Ахир биз саккиз кишидан иборат каттагина оиламиз.

* * *

Уйда «уй кўтарди» қилиняпти. Ҳамма нарса остин-устун бўлиб ётибди.

Хотин эридан илтимос қилиб қолди:

—Эржон, шундоққина кўчага чиқиб, телефон-автоматдан қўнғироқ қилингчи, мен эса телефонимиз кўрғурни қаердалигини топа олмаяпман.

* * *

Она ўз қизини қойимоқда.

— Мэри, сал-палгина уялсанг бўларди. Сенинг барча дугонажонларинг аллақачон ажрашиб ҳам улгуришди, аммо сен ҳали турмушга чиққанинг ҳам йўқ.

— Марҳамат қилиб, айтинг-чи, ўглингиз, ниҳоят амал-тақал қилиб ўқишни битирди ҳам дейлик. Хўш, ундан кейин, ундан кейин у нима қилади?

— Менимча, пенсияга чиқа қолади!..

— А!..

● *Табрик*

ОРДЕН МУБОРАК, АҲМАДЖОН АКА!

Юз кўзларидан ҳамиша нур ёғилиб турган бу инсонни билмаганлар кам. Билганлар эса ўзимизнинг Аҳмаджон ака дея унинг номини фахр-ифтихор билан тилга олишади. Аҳмаджон аканинг бу қадар чуқур ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганлигининг боиси матбуотимиз шаънини улуғлаб, унинг бугуни ва эртанги келажаги учун алоҳида ҳисса қўшиб келаётганида. Қатор китобларнинг муаллифи Аҳмаджон Долимов «Учитель Узбекистана» газетасининг Бош муҳаррири сифатида мамлакатимиз халқ таълими тизимини ислоҳ қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шу ажойиб меҳнатлари эвазига отахон журналист яқинда Президентимиз Фармонига биноан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди. Ажойиб қалам соҳиби, камтарин инсон, ғамхўр раҳбар Аҳмаджон аканинг меҳнати муносиб тақдирланганлиги билан уни чин дилдан қутлаймиз. Ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Орден муборак бўлсин, Аҳмаджон ака!

«Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

● *Инсон организмининг жумбоқлари*

БЕҚУШЛИК ЧАНГАЛИДА БЕШ ЙИЛ

Инсоният Ер юзида неча-неча минг йиллардан бери мавжуд бўлса-да, ҳали унинг биз билмаган, илдизига етиб боролмаётган сиру синоатлари, жумбоқлари талайгина. Фикримизга Россия армияси генерали Анатолий Романовнинг аянчли тақдири яққол мисол бўла олади.

Генералнинг «УАЗ» машинаси бундан роппа-роса беш йил муқаддам Грознийда, Чечнистондаги дастлабки уруш кунлари жангарилар қўйиб кетган минага дуч келиб, портлаган эди. Машинадаги барча ҳарбийлар оғир яраландилар. Генералнинг ўзи эса ҳаддан ташқари қаттиқ жароҳат олди: миясининг бир қисмини мина осколкаси мажақлаб ташлаган эди. Россиянинг уша пайтдаги Президенти Борис Ельцин Романовни қандай қилиб бўлса-да, ёққа тўғазиш ҳақида шифокорларга шахсан ўзи топшириқ берганлиги кўпчиликнинг ёдида. Лекин, афсус, иложи бўлмади...

Мана, беш йилдирки, Россия Қаҳрамони ҳали-ҳануз касалхонада. Гоҳи-гоҳида уни турмуш ўртоғи ногиронлар аравачасига ўтказганча касалхона боғида сайр қилдиради. Шу йиллар давомида бемор организмининг барча аъзолари: юрак, ўпка, жигар ва бошқалар ўзларининг аввалги фаолиятини тиклаб олди. Лекин генералга ... хуш, онг, сезги қайтмаяпти. У ёнида бўлиб ўтаётган нарсаларга бутунлай бефарқ ҳолда очиқ кўзларини бир нуқтага тикканча кунни ўтказади.

Бу ҳол қачонгача давом этишини эса ҳеч ким башорат қилолмайди. «Фақат умид билан яшамоқ керак, — дейишмоқда генерални даволаётган шифокорлар, — инсон организмининг ҳали биз билиб-билмаган кўплаб жумбоқлари бор. Беморнинг мияси бирданига ишлаб кетиб, унга онг қайтиши эҳтимолдан ҳоли эмас...» Генералнинг вафодор рафиқаси уша бахтли онларни кутиб кечаю кундузи турмуш ўртоғининг ёнида ўтказмоқда.

«Туркистон-пресс».

Адолат

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т.О.ДАМИНОВ, А. Ғ. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Д. К. ҚИРҒИЗБОЕВ (Бўлим мудири), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, М. КАЛОНХОНОВ (Бўлим мудири), А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, С. СИРОЖИДДИНОВ (Бўлим мудири), Н. НУРМАТОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Илҳом СИДДИҚОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 937, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Кўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди 20.30.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.